



**O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi**

Elektron jurnal
2022 yil oktyabr soni №10 (36)

Toshkent-2022

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр
2022 йил октябрь ойи сони №10 (36)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартағи 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилемайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фанд бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим оралиқдаги материаллар “Microcoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Таҳрир кенгаши

А.Кўчимов
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Ҳусанов

Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Гуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Маҳмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

Манзилимиз: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42-уй
Тел: (+99871) 233-09-21; (+99899) 833-62-71

ФИЛОЛОГИЯ

“ИЧАН-ҚАЛЬА” ДАВЛАТ МУЗЕЙ-ҚҮРИҚХОНАСИ ФОНДИДА САҚЛАНАЁТГАН АҲМАД ТАБИБИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ МАНБАЛАРИ ТАВСИФИ

Шермуҳаммад Нормуротович АМОНОВ

филология фанлари номзоди

докторант

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Аҳмад Табибий адабий мероси Республикализнинг турли фондларида сақланади. Мазкур мақолада шоирнинг “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонаси фондида сақлангаётган лирик мероси манбалари тавсифи ҳақида фикр билдирилган.

Таянч сўзлар: Аҳмад Табибий, девон, кўлёзма, тошбосма, фонд, тўплам, манба, матн, рақам.

ОПИСАНИЕ ИСТОЧНИКОВ ЛИТЕРАТУРНОГО НАСЛЕДИЯ АХМАДА ТАБИБИЙ, ХРАНАЩЕГОСЯ В ФОНДЕ ГОСУДАРСТВЕННОГО МУЗАЯ-ЗАПОВЕДНИКА “ИЧАН-ҚАЛЬА”

Шермуҳаммад Нормуротович АМОНОВ

Кандидат филологических наук

докторант

университет узбекского языка и литературы
имени Алишера Наваи
Тошкент, Узбекистан

Аннотация

Литературное наследие Ахмада Табиби хранится в различных фондах нашей республики. В данной статье высказывается мнение об описании источников лирического наследия поэта, хранящихся в фонде государственного музея-заповедника «Ичан-Калъа».

Ключевые слова: Аҳмад Табиби, диван, рукопись, литография, фонд, сборник, источник, текст, номер.

Хоразм вилояти Хива тумани “Ичан-қалъа” давлат музей-қўриқхонаси фондида Аҳмад Табибий лирик асарлари кўчирилган манбалар сақланади. Фонддаги 5884/3 рақамли тошбосма шоирнинг туркий тилда тартиб берган девонларидан бири хисобланади. 5894/1, 5894/4 рақамли кўлёзма баёз-тўпламларда ҳам шоир

лирик асарларидан намуналар кўчирилган. Ушбу манбалар шу пайтгача тўлиқ тадқиқ этилмагани боис, қуйида уларнинг қисқача илмий тавсифини келтирамиз.

5884/3 рақамли тошбосма манба. Ушбу тошбосма манба Хивадаги “Хуршид” типографиясида Феруз буйруғига кўра 1910 йилда чоп этилган. Тошбосма сахифалари

زویچوا گنیم ریب نالیب ىرلیل اع نامرف
ىتل آ گنین بجر ھام ىلی ىچنالزکس ھرمگی
الماد نیب میهاربا الـ میکیدریا ىنوك ىچنال
ىدروکتی ھغمامتا بیزای ىموحرم ىجاح ردنلق
منس 1328

(Алҳамдуиллоҳи вал миннаху ушбу
мухаммасоти Табиийниким бо амири
султону-з-замон ва нодир даврон аъни
Абулмузаффар ва-л-Мансур Абулғозий
Сайид Мухаммад Раҳим Баҳодирхон
дома давлатаху ва шавкатуҳунинг фармони
олийлари билан бир минг уч юз йигирма
саккизланчи йили моҳи ражабнинг
олтиланчи куни эрдиким, Мулло Иброҳим
бин Домулло Қаландарҳожи марҳуми ёзиб
итмомга еткурди. Санай 1328.)

Девон ҳажман жуда катта. Бироқ унинг
сақланиш ҳолати яхши эмас. Қолаверса,
мазкур манбанинг кўплаб саҳифалари
йўқолган. Саҳифаларда пойгирлар бериб
борилган. Айrim саҳифаларнинг тела
қисмида гуллик нақшлар туширилган.
Матнлар саҳифаланмаган. Шунинг учун
қаламда шартли саҳифа қўйилган. Аммо
саҳифалар тартиб билан қўйилмаган.
Матндан хабари йўқ киши томонидан
саҳифаланиб кетилган. Шундай бўлсада,
мазкур манба тадқиқи унинг мукаммал
девон бўлганини тасдиқлади. Зоро,
хозирда унинг таркибида тахминан 747
та газал, 3 та мустазоди муҳаммас, 8 та
мусаддас, 100 та муҳаммас, 3 та маснавий-
соқийнома, 10 та қасида, 6 та муножот, 6 та
маснавий-даҳрнома (“маснавий даҳрнома”
тарзида сарлавҳаланган), 102 та рубоий,
3 та чистон, 4 та туюқ, 16 та қитъа, 15 та
фард ва бир “таърих рубоий” мавжуд.
Ушбу манбанинг ягона қўлёзма нусхаси
сақланмаган. Бироқ мазкур тошбосма
манбадаги айrim шеърлар шоирнинг терма
девонларида такрорланади. Жумладан,
ушбу тошбосма манбада Ўзбекистон
Республикаси Фанлар Академияси
Шарқшунослик институти Қўлёзмалар
фондида сақланаётган 1122, 1123, 1148,
6949 ракамли қўлёзмалардаги лирик

четлари ҳошия чизиққа олинган. Ушбу
манба қора қалин картон қофоз билан
муқоваланган бўлиб, шерозаси қалин сариқ
матодан ишланган, муқова жигар рангда.
Тўплам саҳифаларининг ўлчами 37x24 см.
Ушбу манба жами 564 саҳифадан иборат.
Матн қалин фабрика қофозига босилган,
саҳифалар зийнатланмаган. Шеърлар
қора чизиқли жадвал ичига олинган.
Айrim саҳифаларда жадваллар мавжуд
эмас. Шеърлар ҳар саҳифага икки устунда
ўртача 23 байтдан кўчирилган. Вақт ўтиб
варақлар сарғайган.

Тўплам саҳифалари пароканда
бўлиб, унинг дастлабки саҳифалари
йўқолган. Қолган қисмлари саҳифалари
ҳам аралаштириб юборилган. Мазкур
тошбосма манбада фақат Табиий лирик
асарлари босилган. Қолаверса, тўпламдаги
шеърлар девон тартиб бериш анъанасига
мувофиқ жойлаштирилган. Шунга кўра,
ушбу манбани Аҳмад Табиий туркий
девонларидан бири бўлган “Тухфату-
с-султон”нинг босма варианти, деган
холосага келиш мумкин.

Девоннинг бошланиши қуйидагича:

ظحل ره هاو هـ انابـیـکـجـ
رـذاـ روـدادـیـلـ دـمـغـ هـدـیـنـاجـ
Чекибон оҳу воҳ ҳар лаҳза,
Жонида ғам, дилидадур озар.

Охири эса:

ىـلـاـثـمـىـتـ گـنـىـنـ آـرـورـىـ اـمـكـ ھـچـنـىـنـوبـ
ىـلـاخـنـىـدـىـزـوـسـ قـشـعـ سـمـىـ اـىـتـىـبـ رـىـبـ

نـابـولـوـبـ نـىـدـبـ جـرـ رـىـبـ مـرـگـىـ خـىـرـءـاتـ
ىـلـاسـ زـكـسـ مـرـگـىـ مـهـ زـوـىـجـواـ گـنـىـمـ
Бунинчаки кам эрур онинг тимсоли,
Ҳар байти эмас ишқ сўзидин холи,
Таърих йигирма бир ражабдин бўлубон,
Минг уч юз ҳам йигирма етти соли,
тарзида яқунланади.

Девон колофони қуйидагича берилган:
ىـبـىـبـطـ تـاسـمـخـ وـبـشـواـ هـنـمـلـاـ وـ هـلـلـاـ دـمـحـلـاـ
ىـنـعـاـ نـارـوـدـرـدـانـ وـ نـامـزـلـاـ نـاطـلـسـ رـمـاـ اـبـ مـىـكـىـنـ
دـمـحـمـ دـىـسـ ىـزـاـغـلـوـبـاـ رـوـصـنـمـلـاـوـ رـفـظـمـلـاـ وـبـاـ
گـنـىـنـ هـتـکـوـشـ وـ هـتـلـوـدـ مـادـ نـاخـ رـدـاـبـ مـىـحـرـ

асарлардан аксарияти кириллган.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Асосий фондидаги 1122, 1123, 1148, 6949 рақамли қўлёзмаларда ҳам факат Табибийнинг лирик асарлари кўчирилган. Фонддаги манбалардан 654, 1122, 1159, 2033 рақамли тўпламларни Табибийнинг терма девонлари дейиш мумкин. Сабаби, бу манбаларда шоирнинг учтўрт ёки бешолти жанрдаги лирик асарлари жамланган. Уларнинг аксариятидаги лирик асарлар шоирнинг туркий девонлари – “Мунису-л-ушшоқ”да ҳам, “Ҳайрату-л-ушшоқ”да ҳам йўқ. Ана шундай манбалардан бири Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти Қўлёзмалар фондида сақланаётган 1122 рақамли қўлёзмадир. Ушбу манбадаги шеърлар ҳам шоирнинг юқорида таъкидланган икки туркий девонида учрамайди. Бундан шоирнинг ростдан ҳам туркий тилда бошқа яна бир девони бўлғанлигини тасдиқлайди. Сабаби ушбу манбада Аҳмад Табибийнинг 134 та ғазал (булардан биттаси “Мунису-л-ушшоқ”да тақорланган), 9 бандли бир мураббаъ, Расулуллоҳ ва Чориёрларга, Ҳасан ва Ҳусайнга ҳамда Ферузга бағишланган 10 та қасида, 4 та мусамман, 10 та мусаддас, 296 байтили 4 та маснавий, 5 та муножот, 3 та чистон, 308 байтили 3 та даҳрнома (маснавий), 16 та қитъя, 192 та рубойй, 16 та фард, 4 та туюқ жанрларига оид лирик асарлари кўчирилган. Қўлёзмада 306 та шеърга рақам қўйиб кўчирилган бўлсада, аслида шеърларнинг сони 403 тани ташкил этади. Ҳажмига кўра эса 3287 байт (6574 мисра)ни ташкил этади.

Фонддаги 1123 рақамли қўлёзма ташқи кўринишларига кўра, 1122 рақамли қўлёзма билан бирхил. Ушбу қўлёзмада 1122 рақамли манбадан фарқли ўлароқ шоирнинг факат ғазаллари кўчирилган. Мазкур қўлёзмада 365 та ғазалга рақам қўйилган. Бироқ

баёздаги жами ғазалларнинг адади 362 тани ташкил этади. Ғазалларни рақамлашда хатоликларга йўл қўйилган. Эътиборлиси ушбу қўлёзмадаги ғазаллар ҳам шоирнинг “Мунису-л-ушшоқ” ва “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонларида учрамайди. Бу ғазалларнинг айримлари 6949 рақамли қўлёзмада ва Хива “Иchan-қалъа” давлат музей – қўриқхонаси фондидаги 5884/3 рақамли тошбосма манбаларда ҳам тақорланади. Ушбу манбадаги шеърлар бадиий жиҳатдан баркамол асарлар бўлиб, улар шоирнинг “Тухфату-с-султон” девонининг асосий манбаларидан, дейиш мумкин.

Табибий лирик асарлари кўчирилган яна бир манба 1148 рақамли қўлёзмадир. Бу қўлёзма ҳам шоирнинг терма девони сифатида қимматлидир. Ушбу манбага шоирнинг ғазал ва мураббаълари киритилган бўлиб, жами 349 та шеърга рақам қўйиб кўчирилган. Шеърлардан олтитасимураббаъ, қолган 343 тасиғазаллар бўлиб, ушбу лирик асарлар шоирнинг “Мунису-л-ушшоқ” ва “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонларида учрамайди. Ушбу манбадаги шеърлар ҳажмига кўра мураббаълар 224 мисра (112 байт), ғазаллар 5934 мисра (2967 байт) жами 6158 мисра (3079 байт) ни ташкил этади.

Фонддаги 6949 рақамли қўлёзмада ҳам Табибий шеърлари жамланган. Рўйхат алифбо тартибида терилмаган ғазаллардан иборат. Ушбу қўлёзманинг 1296-130a, 130b-133b саҳифалари орасида Содикнинг 6 та, 135a-136b саҳифаларида Ходимнинг битта ғазали учрайди. Тўпламда жами 187 та ғазал мавжуд бўлиб, шундан 180 та ғазал Табибийга тегишли. Таъкидлаш керакки, ушбу тўпламдаги ғазаллар шоирнинг “Мунису-л-ушшоқ” девонида ҳам, “Ҳайрату-л-ушшоқ” девонида ҳам учрамайди.

Табибий девонлари, умуман, шоир ижодига хос хусусиятлардан бири кўплаб мухаммаслар ижод этилганидадир. Шоирнинг “Мунису-л-ушшоқ” девонида

53 та, “Хайрату-л-ушшок” девонида 114 та, “Тухфату-с-султон” девонида тахминан 140 та мухаммас (булардан бештаси Навоий, Мунис, Огаҳий, Комил мухаммасларига боғланганмустазодимухаммаслардир)лари киритилган. Девонлардаги мухаммаслар Табибий томонидан 100 га яқин ижодкор ғазалларига тахмис боғлаган.

Биз фикр юритаётган 5884/3 рақамли тошбосма манба катта эҳтимол билан Табибий “Тухфату-с-султон” девонининг тошбосма варианти ҳисобланади. Юқорида таъкидланганидек, адабиётшунос Ф.Ғанихўжаев Табибий “Тухфату-с-султон” девонининг ягона қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, ушбу манба Тожикистондаги фондда сақланиши ҳақида ёzáди [2;13]. Бироқ 5884/3 рақамли тошбосма манба таҳлили ушбу девон ўз вақтида тошбосма ҳолида ҳам нашр эттирилганини кўрсатади. Ушбу тошбосма манба шоир адабий меросига оид қўплаб янги маълумотларни ўзида жамлагани билан қимматлидир.

5894/1 рақамли қўлёзмабаёз. Матнсириқ рангдаги юпқа фабрика қоғозига қора сиёҳ билан ўрта насталиқ хатида кўчирилган. Ҳар саҳифада икки устунда учбайтдан шеър жойлаштирилган. Саҳифаларда жадваллар йўқ. Қўлёзма муқоваси тўқ яшил чармдан, шерозаси эса тўқ жигар рангдаги чармдан ишланган. Муқоваларда учтадан ўйма нақш солинган. Ҳар бир бетнинг юқори ўрта қисмида котиб томонидан қўйилган саҳифа рақами мавжуд. Ҳар бир шеърнинг тепасида қизил сиёҳда унинг муаллифи кўрсатилган. Ғазаллар рақамланган. Ушбу баёз-тўпламда Феруз саройидаги шоирлар ғазаллари кўчирилган. Баёз-тўпламдаги шеърларнинг жами сони 177 тани ташкил этади. Қўлёзма ҳажми 119 варак. Ўлчами: 17x10.5 см.

Ушбу баёз-тўпламнинг колофони куйидагича берилган: “Алҳамдуиллоҳ вал-минна зилли субҳон халифату-р-Раҳмон Абулмузаффар вал-Мансур Абулғозий Сайийд Муҳаммад Раҳим

Баҳодирхон соний халладаллоҳу таоло мулкаҳу ва давлатаху ва зайяда умуруҳу ул жаноби олийнинг фармони олийлари била бир минг уч юз йигирма бешланчи йил моҳи рабъиу-с-сонийнинг йигирма олтиланчиси жумъа куни мувофиқи қўй йили фақиру-л-ҳақир Муҳаммад Яъқуб Девон мулаққаби ба Харрот бу баёзни ёзиб, итмомға еткурди”.

Кўринадики, ушбу қўлёзма 1325 (1907) йили Феруз фармонига кўра Муҳаммад Яъқуб Девон – Харрот томонидан кўчирилган. Қўлёзманинг дастлабки шеърига “мураббаъи Табибий” деб сарлавҳа қўйилган. Баёз Табибийнинг “Гарчи чекар эрдим ғаму андухи фурқатни тамом” мисраси билан бошланувчи 24 бандли мураббаъси билан бошланган. Шунингдек, баёзда Табибий шеърлари қаторида Мирзо, Роғиб, Ғуломий, Надими, Аваз, Умидий, Ожиз, Девоний, Мутриб, Баёний, Ходим, Шиносий, Чокар, Асад, Доий, Оқил, Иноят, Фозий, Хаёлий, Ниёзий каби шоирларнинг ғазаллари ҳам кўчирилган. Ушбу баёзга Табибийнинг бир мураббаъси ва 28 та ғазали киритилган. Баёзнинг охирги ғазали ҳам Табибийга тегишли бўлиб, у “Иstab юзунг наззорасин маҳзуни гирёнман ҳануз” бошланувчи 11 байтли ғазалдир.

Қўлёзма матнида айрим камчиликлар кўзга ташланади. Масалан, котиб айрим ўринларда ғазал мақтаси (тахаллусли ўринлар)ни тушириб қолдирган. Қўлёзманинг 112а-б саҳифалари орасида Табибийнинг битта ғазали икки марта кетма-кет кўчирилган. Бироқ ушбу қўлёзма шоир адабий меросини тадқиқ этишда қимматли маълумотлар бериши жиҳатидан муҳимдир.

5894/4 рақамли баёз. Рўйхат фақат ғазаллардан иборат (16-145a). Баёзнинг ташқи белгилари 5894/1 рақамли қўлёзма билан деярли бир хил. Яъни матн сариқ рангдаги юпқа фабрика қоғозига қора сиёҳ билан ўрта насталиқ хатида ҳар саҳифада

икки устунда уч байтдан кўчирилган. Матн жадвалга олинмаган. Кўлёзма муқоваси тўқ яшил чармдан, шерозаси қизил рангдаги чармдан ишланган. Муқоваларда учтадан ўйманақшсолинган. Ҳарбир бетнинг юқори ўрта қисмида котиб томонидан қўйилган саҳифа рақами мавжуд. Ҳар бир шеърниңг тепасида қизил сиёҳда унинг муаллифи кўрсатиб борилган. Ғазаллар рақамланган. Баёзда жами 239 та ғазалга рақам қўйиб кўчирилган. Аслида эса ғазаллар сони 140 тани ташкил этади. Чунки Табибийнинг иккита ғазали қўшилиб битта шеър сифатида рақамланниб кетилган. Кўлёзма ҳажми 119 варақ. Ўлчами: 17x10.5 см.

Кўлёзма баёз колофони қуидагича: “Алҳамду лиллоҳ вал-минна ушбу баёзким бо амри султону-з-замон ва нодири даврон боиси ал-амни вал амон ал-хоқон ибн ал-хоқон аъни Абулмузаффар вал-Мансур Абулғозий Сайийд Муҳаммад Раҳим Баҳодирхон ул жанобни фармонлари бирла бир минг уч юз йигирма еттиланчи иили

моҳи сафарни ўн тўқузида панжшанба куни Муҳаммад Юсуф ибн Муҳаммад Яъқуб Девон мулаққаби ба Ҳаррот ёзиб итмомга еткурди. Санай 1327”.

Ушбу қўлёзма 1327 (1909) йили Феруз фармонига кўра Ҳаррот томонидан қўчирилган. Кўлёзманинг 1а-саҳифаси тепасида котиб Камолий, Надимий, Табибий, Авазларнинг номларини келтирган. Бироқ тўплам таркибида юқорида номлари зикр этилган ижодкорлар қатори Ходим ғазаллари ҳам учрайди. Ушбу баёзга Табибийнинг жами 119 та ғазали киритилган. Ушбу баёз-тўплам ҳам Табибийнинг “То гулшан ичра, эй санам, ораз намоён айладинг” мисраси билан бошланувчи 6 байтли ғазали билан якунланган. Ушбу қўлёзма матнида ҳам нуқсонлар мавжуд. Булар ҳарфларнинг нуқталари тушиб қолишида, айrim ғазалларнинг рақамланмай кетилиши ёки шеърларнинг қўшиб юборилишида кўзга ташланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Фанихўжаев Ф. Аҳмаджон Табибийнинг ҳаёти ва ижоди: филология фанлари кандидати илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1969. – 192 б.
2. Фанихўжаев Ф. Аҳмад Табибий. – Тошкент: Фан, 1978. – 80 б.
3. ى.بى بەن ن اوى د. Кўлёзма. ЎзФАШИ Асосий фонди. Инв.№ 6226.
4. ى.بى بەن ن اوى د. Кўлёзма. ЎзФАШИ Асосий фонди. Инв.№ 3460.
5. ى.بى بەن ن اوى د. Кўлёзма. ЎзФАШИ Асосий фонди. Инв.№ 3461.
6. ى.بى بەن ن اوى د. Кўлёзма. ЎзФАШИ Асосий фонди. Инв.№ 1122.
7. ى.بى بەن ن اوى د. Кўлёзма. ЎзФАШИ Асосий фонди. Инв.№ 1123.
8. ى.بى بەن ن اوى د. Кўлёзма. ЎзФАШИ Асосий фонди. Инв.№ 1148.
9. ى.بى بەن ن اوى د. Кўлёзма. ЎзФАШИ Асосий фонди. Инв.№ 6949.



МУНДАРИЖА

Иқтисод

Ш.Н.МУРАТОВА, Н.СОДИҚОВА. Божхона амалиётида композиттери ва ундан ишлаб чиқарилган товарларни идентификациялашва таснифлаш масалалари	3
З.А.АШУРОВ, И.Л.БУТИКОВ. Ўзбекистонда мультилистинг тизимини яратиш ва жорий қилиш – кўчмас мулк бозорини рақамлаштиришнинг замонавий усули	9
З.Р.СОДИҚОВ. Жаҳонда халқаро иқтисодий интеграциянинг ривожланиш тенденциялари	18
А.Т.МАМАЖНОВ. Фермер хўжаликларида ҳисоб юритишни ташкил этишнинг назарий асослари	25
М.Д.ЗАРИПОВА. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби салоҳиятини ошириш бўйича қарорлар қабул қилишда эксперт сўров усулидан фойдаланиш.....	31

Юридик

А.Н.ЯКУБОВ. Виртуал мол-мулк ва унинг ҳуқуқий табиатини тушуниш муаммолари.....	43
Н.А.ДЖУРАЕВ. Марказий Осиёда замонавий терроризм намоён бўлишининг ҳусусиятлари.....	50
У.Ў.ЎРИНБОЕВ. Ўзбекистон Республикаси “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонуни мамлакатимизда давлат фуқаролик хизмати соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асоси.....	55
Д.А.ЛАПАСОВ. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнат кодекси”да меҳнат интизоми	60
З.Ш.ШОФИЕВ. Фермер хўжаликларининг сув ресурсларидан фойдаланиши соҳасида давлат бошқаруви органлари тизими ва ваколатлари	66

Филология

Ш.Н.АМОНОВ. “Иchan-қалъа” давлат музей-қўриқхонаси фондида сақланаётган Аҳмад Табиийнинг адабий мероси манбалари тавсифи	73
М.И.СУЛАЙМАНОВА. Ўзбек ва қирғиз халқ қўшиқларида соч тақинчоқлари образи	78
М.ЎРАЗБАЕВА. Исажон Султон ва Нормурод Норқобилов романларида аёл образининг бадиий талқинлари	83
П.АЛЛАМБЕРГЕНОВА. Брифингнинг мустақил жанр сифатидаги ҳусусиятлари таҳлили	91